


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

“КЕЛИШИЛГАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги И.У.Мажидов



«    »    2020 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Миллий университети  
ректори  
А.Р.Марахимов



«    »    2020 йил

МАГИСТРАТУРАГА КИРИШДА МАХСУС ФАНЛАРДАН СИНОВ  
ДАСТУРЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

(кўзи ожиз абитуриентлар учун)

5A120302 - Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича)

ТОШКЕНТ- 2020

## 5A120302 – ТАРИХ (ЙЎНАЛИШЛАР ВА МАМЛАКАТЛАР)

**Тузувчилар:** Юнусова Х. ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” каф. проф. т.ф.д.,  
Ишанхаджаева З. ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” каф. проф. т.ф.д.,  
Сиддиқов Р. ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” каф. доц. т.ф.н.  
Холиқулов А. ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” каф.муд. доц. т.ф.н.,  
Ураков Д. ЎзМУ “Жаҳон тарихи” каф.муд. доц. т.ф.н.,  
Холлиев А. ЎзМУ “Жаҳон тарихи” каф. доц. т.ф.н.,  
Габриэльян С. ЎзМУ “Жаҳон тарихи” каф. доц. т.ф.н.,  
Раҳмонқулова З. ЎзМУ “Манбашунослик ва архившунослик”  
каф. муд, доц. т.ф.н.  
Чориев Ш. ЎзМУ “Манбашунослик ва архившунослик” каф.  
Доц. в.б.;PhD.

**Такризчилар:** Хайназаров Б. ЎзМУ “Жаҳон тарихи” каф. доц. PhD.,  
Замонов А. ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” каф. доц. PhD.,

### Кириш

5A120301 - Ўзбекистон тарихи, 5A120302 - Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича), 5A120303 - Давлат ва Фуқаролик жамияти институтлари бошқаруви, 5A120304 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича) мутахассислигларига магистратурага кириш учун абитуриентлар мутахассислик фанидан имтиҳон синовларини қабул қилиш учун тарих таълим йўналишларининг ўқув режасида умумқасбий фанлар блоки доирасида ўқитиладиган “Ўзбекистон тарихи”, “Жаҳон (умумий) тарихи - (Қадимги дунё тарихи, Ўрта асрлар тарихи, Янги тарих ва Энг янги тарих)”, “Манбашунослик” ва “Тарихшунослик”, фанларидан назарий саволларга жавоб бериши лозим.

### Мақсад ва вазифалари

Мазкур кириш синовларини ўтказиш орқали бакалаврларнинг тарихий фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини аниқлашдан иборат.

Бакалаврият синов билетидаги 5 та назарий савол моҳиятини очиб бериши, бунда назарий маълумотларни тарихий фанлар назарияси терминологияларидан тўғри фойдаланиб ёритиши, таянч тушунчаларни асослаши, тарихий мушоҳада билан аниқ илмий ва амалий далилларга таянган ҳолда баён қила олиши лозим.

Талаба тарих фанининг долзарб, ҳали ҳануз очилмаган жиҳатларини манбалар ва архив ҳужжатлари орқали очиб бериши, хронологик тартибда мантиқий изчилликда асослаб бериши, тарихий воқеалар баёнини синчковлик билан ўрганиб, якуний хулосалар бериши лозим.

## Асосий Қисм

### I. БЎЛИМ “ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” фани бўйича

Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, мақсади, вазифалари, манба ва асослари. Ўрта Осиё ибтидоий тарихининг даври ва босқичлари. Ибтидоий тарихни даврлаштириш. Ибтидоий жамоа даврининг табиий шарт-шароитлари ва ибтидоий одамларнинг тарқалиши. Ўрта Осиёнинг қадимги мустье даври одамлари ва уларнинг меҳнат фаолияти. Ўрта Осиё ҳозирги қиёфадаги одамларнинг шаклланиши ва антропогенез жараёни тугалланиши даврида. Мезолит ва неолит даврида Ўрта Осиё. Энеолит, бронза ва илк темир даврида Ўрта Осиё. Ўрта Осиёдаги илк давлат уюшмалари. Қадимги Хоразм, Бақтрия ва Сўғдиёна давлатлари. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё. Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари ва унинг оқибатлари. Салавкийлар даврида Ўрта Осиё. Юнон-Бақтрия подшолиги. Ўрта Осиёда антик давлатларнинг ташкил топиши. Қанғ, Довон ва Хоразм давлатлари. Кушон давлати.

Илк ўрта асрларда ер эгалиги муносабатларининг шаклланиши ва давлатчилик. Хионийлар, Кидарийлар, Эфталийлар давлати. Турк хоқонлиги. Фарбий турк хоқонлиги. Хўжалик ва ижтимоий ҳаёт. Илк ўрта асрлар маҳаллий воҳа ҳокимликлари. Шаҳарларнинг шаклланиши. Маданият ва маърифий ҳаёт. Мовароуннаҳрнинг Араб халифалиги томонидан фатҳ этилиши ва халқ озодлик ҳаракатлари. Ислом дини ва унинг тарқалиши.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг Араб халифалигидан ажралиши ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши. Тоҳирийлар давлати. Сомонийлар давлати. Қорахонийлар давлати. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатлари. Хоразмда Ануштакинлар давлатининг ташкил топиши. IX-XIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги маданий ҳаёт. Уйғониш (Ренессанс) даври ривож. Меъморчилик, санъат, мусиқа. Ислом дини ва тасаввуф таълимоти. Этник жараёнлар ва ўзбек халқининг таркиб топиши.

Мўғуллар босқини арафасида Хорамшоҳлар давлатининг сиёсий ҳаёти. Мўғуллар истилоси. Жалолиддин Мангуберди. Чигатой улусининг ташкил топиши ва унинг сиёсий ҳаёти. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. XVI асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Амир Темур давлатининг ташкил топиши. Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт. Илм-фан равнақи. Меъморчилик ва амалий санъат. Китобат, тасвирий санъат, мусиқа ва адабиёт. Шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр. Шайбонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи. Аштархонийлар даврида Бухоро

хонлиги. Аштархонийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва маданий ҳаёт. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Қорақалпоқлар.

XVIII аср иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги. Амирликда ижтимоий-иқтисодий аҳвол. Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Хива хонлигининг ташкил топиши ва ривожланиши. XVIII аср иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида маданий ҳаёт.

Россия империясининг ўзбек хонликларга фаол ҳарбий ҳаракатларининг бошланиши ва экспанцияси сабаблари. Ўрта Осиё масаласида инглиз – рус рақобатининг кескинлашуви сабаблари ва Россиянинг минтақадаги сиёсатига муносабат. Ўрта Осиё хонликларини чор Россияси томонидан босиб олиниши ва мустамлакачиларга қарши халқ ҳаракатлари. Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлака маъмурий бошқарув тизими ва миллий сиёсати. 1873-1876 йиллардаги Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари. XIX асрнинг 80-90 йилларида Туркистон ўлкасида халқ ҳаракатлари. Пўлатхон кўзғалони. 1898 йил Андижон кўзғалони.

XX аср бошларида Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги (1900-1917 йиллар). XX аср бошларида чор Россиясининг Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий сиёсати. Туркистон Россия империясининг хом ашё манбаи. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Мустамлакачилик шароитида Туркистон ўлкасида маданий ҳаёт. XX аср бошларида Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракати ва сиёсий ҳаракатлар фаолияти. Биринчи Жаҳон урушининг Туркистон ўлкасига таъсири. 1916 йил миллий-озодлик кураши. 1917 йил феврал инқилоби ва Октябрь тўнтариши.

Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби, подшо ҳокимиятининг афдарилиши, унинг ўлкага таъсири. «Шўрои исломия», «Шўрои уламо» ташкилотларининг тузилиши ва уларнинг фаолияти. Тошкент ҳамда ўлканинг бошқа шаҳарларида советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши.

Ўлка мусулмонларининг Қўқонда чақирилган фавқулодда IV қурултойи. Туркистон мухторияти. Большевиклар ҳокимиятининг маҳаллий халқ иродасига қарши чиқиши ва катта қўшин билан Қўқонга ҳужум қилиши. Қўқон фожеси. Туркистон мухтор ҳукуматининг афдарилиши. Туркистон АССРнинг тузилиши. Ҳарбий коммунизм сиёсати. Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари. Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. «Ёш хиваликлар» ташкилоти. Хива хонлигининг афдарилиши. «Хоразм Халқ Совет Республикаси»нинг тузилиши.

Бухоро амирлигида ижтимоий-сиёсий аҳвол. «Ёш бухороликлар» ташкилоти. Фрунзе қўмондонлигидаги қизил армиянинг Бухорога ҳужуми. Бухоро шахрининг вайрон қилиниши. «Бухоро Халқ Совет Республикаси»нинг ташкил этилиши. 20-йилларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият. Янги иқтисодий сиёсат. 1920-1921 йиллардаги ер-сув ислоҳоти. "Қўшчи" уюшмаси. Ўрта Осиёда миллий - давлат чегараланишининг ўтказилиши. Ўзбекистон ССР ташкил топиши. Ўзбекистон ССРнинг СССР таркибига киритилиши. Қорақалпоғистоннинг ижтимоий - сиёсий аҳволи. Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг ташкил топиши. Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ва амалиёти.

Аграр сиёсат. 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати, унинг оғир оқибатлари. Ўзбекистонда 20-30 йиллардаги маданий ҳаёт. Халқ маорифи. Тошкентда университетнинг ҳамда бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг очилиши. «Хужум» ҳаракати. «Саводсизликни тугатиш» учун кураш.

СССРда маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар тузумнинг қарор топиши. Якка ҳокимиятчиликнинг кучайиши. Диний ташкилотлар ва руҳонийларнинг таъқиб этилиши. Инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ва унинг фожиали оқибатлари. Ижтимоий адолат қоидаларининг бузилиши. Кадрлар сиёсатидаги нуқсонлар.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиш сабаблари. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши. Ўзбекистон моддий ва маънавий кучларининг фашизмга қарши курашга сафарбар этилиши. Республикада хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг ҳарбий изга солиниши. Меҳнат сафарбарлиги. Фронтга умумхалқ ёрдами.

СССРнинг ғарбий вилоятларидан саноат корхоналари, ўқув ва илм масканлари, маданият муассасаларининг кўчириб келтирилиши, жойлаштирилиши. Ўзбек халқининг бағрикенглик маънавияти юксаклигининг намоён бўлиши. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати. Транспорт ва алоқа тармоқларининг фаолияти. Уруш йилларида фан ва маданият. Адабиёт, тасвирий санъат. Театр ва мусиқа санъати.

Ўзбекистон жангчиларининг фронтда кўрсатган жасоратлари. Уруш йилларида крим-татарлари, месхети турклари, чеченлар, қорачойлар ва бошқа халқларнинг ўз ватанидан бадарға қилиниши, Ўзбекистонга олиб келиб жойлаштирилиши. Ўзбекларнинг уларга кўрсатган меҳр-муруввати. Фашистлар Германияси ва Япониянинг таслим бўлиши. Урушнинг тамом бўлиши. Фашизмни тор-мор этишда Ўзбекистоннинг муносиб ўрни. Урушнинг яқунлари ва сабоқлари. Ўзбекистонда «Хотира ва кадрлаш» кунни, унинг моҳияти ва аҳамияти. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти.

Саноат ва транспорт. Янги саноат шаҳарларининг вужудга келиши. Республиканинг аграр хўжалиги. Ирригация-мелиорация ишларининг кенгайиши. Қўриқ ва бўз ерларининг ўзлаштирилиши.

Ўзбекистонда 1950-1970-йилларда ўтказилган иқтисодий ислохотлар, уларнинг самарасизлиги. Иқтисодиётнинг бир томонлама, хом ашё етиштириш томон йўналтирилиши. Пахта якка ҳокимлигининг оқибатлари, экологик ҳолатнинг бузилиши. Орол фожиаси. 50-80-йилларда республиканинг маданий ҳаёти. Илм-фан. Адабиёт ва санъат. Таълим-тарбия ва турмуш. Олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш.

Маънавий ҳаётда мафкуравий чеклашлар, буйруқбозликнинг кучайиши. Халқни миллий қадриятлар, маънавий меросдан бегоналаштириш, ўзбек тилини қўллашда камситиш ҳоллари. 80-йилларнинг ўрталарида СССРнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида инқирозли вазиятнинг янада кескинлашуви.

«Қайта куриш» концепцияси ва унинг чекланганлиги. «Қайта куриш» йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаёт. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ва уларнинг салбий оқибатлари.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Ўзбекистон мустақиллиги учун қўйилган биринчи қадамлар. Ўзбекистонда Президентлик институниги жорий этилиши. Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши.

1990 йил февралда Ўзбекистон Олий Кенгашига ўтказилган сайловлар. Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти.

1991 йил август воқеалари, марказ давлатчилиги танглиги ва СССРнинг таназзулга юз тутиши.

1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масаланинг Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари VI сессиясида муҳокама қилиниши, сессияда қабул қилинган Баёнотда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

1991 йил 29 декабрдаги референдум ва умумхалқ томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг маъқулланиши.

Умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайланиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши.

Сиёсий ислохотлар. Эски давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барҳам топиши. Давлат ҳокимиятининг миллий, ҳуқуқий, демократик асосларининг барпо этилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг шаклланиши. Ўзбекистон кўппартиявийлик тизимида асос солиниши, дастлабки асосий партияларнинг шаклланиши.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон парламенти. Олий Мажлиснинг кўппартиявийлик асосида шаклланиши. Олий Мажлиснинг тузилиши, вазифалари ва фаолияти. Икки палатали парламент тузиш тўғрисидаги референдум. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришлар. Сийосий партиялар. Жамиятда кўппартиявийликнинг қарор топиши.

Оммавий ахборот воситалари. Ахборот тизимини эркинлаштириш. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистонда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши концепцияси ва унинг тарихий аҳамияти.

Давлат мулкани хусусийлаштириш механизмнинг яратилиши. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши. Мустақиллик шароитида иқтисодиётда амалга оширилган чуқур таркибий ўзгаришлар.

Аграр ислохотлар. Деҳқон-фермер хўжаликлари. Қишлоқ хўжалик инфратузилмасининг шакллантирилиши. Дон мустақиллигига эришилиши. Солиқ сиёсати. Кучли ижтимоий сиёсат.

Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт. Маънавий қадриятларнинг тикланиши. Наврўз, Рўза ва Қурбон хайитларининг байрамона нишонланиши. Республикада давлат ва диннинг ўзаро муносабати, унинг асосий тамойиллари.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. Унда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқлари ва ҳудудларини янада комплекс ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даржасини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг белгиланиши. Мустақиллик йиллари замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини шакллантириш, дунё бозорларига янги йўлларни очиш чет мамлакатлар билан боғлайдиган илғор транспорт коммуникация тармоқларини яратиш ишларини амалга оширилиши. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ва унда белгиланган вазифалар. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурида белгиланган вазифалар.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инфратузилманинг тутган ўрни. XXI аср бошида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги вазифалар. Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилган ислохотлар. Республикада транспорт-коммуникация ва инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти. Фаол инвестицион сиёсатни амалга

ошириш йўналишлари. Республикада эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мамлақати-мизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якун-лари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиш-ларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак!” номли маърузасида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олинди.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати. Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларнинг назарий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмуни, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш вазифаларининг белгила-ниши. Меҳнат бозорида рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, олий таълим тизими сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш сиёсати.

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясидаги белгиланган вазифалар ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғоялар.

Ўзбекистонда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби устувор вазифаларнинг белгиланиши. Ўзбекистон раҳбари-нинг аҳил кўшничилик муҳитини-“фаровонлик камарини” шакллантириш борасидаги ташаббуси. Ўзбекистоннинг МДҲ доирасида эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш йўлидаги ҳаракатлари. Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада кенгайтириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ҳаратилган ҳаракатлар. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан янгича ҳамкорликни амалга ошириш сиёсати. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши, ҳаётга жорий этилиши. Мустақиллик йиллари амалга оширилган ислохотларнинг миллий давлатчиликни тиклаш ва мустаҳкамлаш, давлатимиз



чегараларини даҳлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши, ҳаётга жорий этилиши ва унинг аҳамияти. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган устувор йўналишлар:

- Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;
- Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари;
- Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;
- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича мамлакат ёшларига эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари ўз ичига қамроб олган 5 та муҳим ташаббусни илгари сурилиши ва унинг ижросининг натижалари.

## **II. БЎЛИМ “ЖАХОН ТАРИҲИ” фани бўйича**

Қадимги Миср тарихига оид манбалар ва манбашунослик. Табиий шароити ва аҳолиси. Илк дехқон қабилалари. Нил воҳасига жойлашиши. Миср тарихини даврлаштириш. Манефон. Мисрда стратификациялашган жамият вужудга келиши. Илк шаҳарлар ва давлатлар пайдо бўлиши. Мисрда марказлашган давлат шаклланиш жараёни. Илк шоҳлик. I ва II сулолалар. Нармер. Мина. Мемфис. Жер. II сулола. Қадимги шоҳлик даври. III сулола. Жосер ва Имхотеп ислохотлари IV сулола. Фиръавнларнинг фаолияти. Снофурунинг ташқи сиёсати. Хуфу, Хафра ва Менкаура. V-VI сулолалар. Қадимги шоҳлик парчаланиши. Биринчи ўткинчи босқич. VII-VIII сулолалар. Қадимги шоҳлик даврида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Миср яка ҳукмронлиги. Фиръавнларни ҳуқуқлари. Чати. Давлат маъмурияти. Ҳарбий кучлар. Номлар ва маҳаллий маъмурияти. Давлат хизматчилари. Мирзалар. Фиръавнларни ички сиёсати ва ташқи сиёсати. Босқинчилик юришлар. Хўжалик. Суғорилиш системалари.

Дехқончилик. Маданий ўсимликлар. Боғдорчилик ва узумчилик. Чорвачилик. Кончилик. Мис металлургияси. Мис буюмлар. Тошга ишлов бериш. Кулолчилик, қурилиш, Мастабалар, Пирамидалар. Янги педагогик технология бўйича дарс ўтилиши “Бумеранг”

Ўрта шоҳлик даври IX-X сулолалар. Гераклеополь кучайиши. Ахтой насихати. Ливияликлар ва Осиё кўчманчилари ҳужумлари. XI сулола. Ментухотеп. Миср бирлашиши. XII сулола. Аменемхет I, Сенусерт III, Аменемхет III. Ички ва ташқи сиёсат. Ит-тауй. Ном задогонлари билан муносабатлар. Нубия, Синай ва Фалостин босиб олиниши. XIII сулола. Халқ кўзғолонлари ва фуқаро уруши. “Ипусер нутки” ва “Ноферти нутки”. Гиксослар истилоси ва Миср давлати парчаланиши. XIV сулола. Давлат бошқаруви. Номархлар, Зодагонлар, Дехқонлар, Фиръавн одамлари. Хемуу нисут. Қуллар. Ибодатхоналар ва коҳинлар. Хўжалик. Суғорилиш. Файюм. Савдо. Библи. Угарит ва Крит. Пунт. Иккинчи ўткинчи босқич. Гиксослар ҳукмронлиги. XV-XVI сулолалар. Аварис. Хиан. Апопи. Гиксосларни Мисрдаги сиёсати.

Янги шоҳлик даври. XVII сулола. Фива. Камес XVIII сулола. Яхмос. Гиксослар. Мисрдан ҳайдалиши. Ҳарбий ислоҳот. Ташқи сиёсат ва босқинчилик юришлар. Тутмос I. Тутмос II. Хатшепсут. Сенмут. Тутмос III ва унинг юришлари. Мегиддо. Нубия. Аменхотеп IV (Эхнатон) сиёсий ва диний ислоҳотлари. Ахетатон. Тутанхамон. Хоремхеб. XIX сулола. Мемфис. Рамзес II. Пер-Рамзес. Босқинчилик юришлар. Хеттлар билан уруш. Кадеш. Хетт-Миср сулҳи. Мернептаҳ. “Денгиз халқлари” босқини. XX сулола. Фива. Сетнахт. Рамзес III. Ибодатхоналар ва коҳинлар. Миср парчаланиши. Янги шоҳлик даврида ижтимоий муносабатлар. Фиръавнлар. Зодагонлар. Хизмат зодагонлар. Коҳинлар. Дехқонлар ва ҳунармандлар. Қуллар. Давлат бошқаруви. “Техмир манбаси”. Вазирликлар, Вилоятлар маъмурияти. Маҳаллий бошқарув. Ҳарбий кучлар. Аменхотеп IV (Эхнатон) даврида сиёсий кураш. Хўжалик. Суғорилиш ишлари. Шадуф. Янги меҳнат қуроллари. Янги маданий ўсимликлар. Чорвачилик. Янги уй ҳайвонларини турлари. Ҳунармандчилик. Жез буюмлар. Қурилиш. Учинчи ўткинчи босқич. XXI-XXII сулолалар. Шешонк I, Бубастис. Ҳарбийлар ва коҳинлар. XXIII сулола. Танис. Қушлар кучайиши. Саис. Тefнахт. Кашта ва Пианха. XXIV сулола Бакенраф (Бокхорис). Ички вазият. Бокхорис қонуни. XXV сулола. Шабака. Тахарка. Оссурияликларни истилоси. Номархлар. Танутамон. Саис XXVI сулола. Псаметих I ва унинг сиёсати. Нехо II. Априй. Амасис (Яхмос). Псаметих III. XXVII Эрон сулоласи. Миср Эрон давлати таркибида XXVIII-XXX сулолалар. Мисрнинг Искандар Зулқарнайн томонидан эгалланиши.

Кеч шоҳлик даврида иқтисодий муносабатлар. Металларга ишлов бериш. Мол-пул муносабатлар. Ташқи савдо. Юнонистон билан савдо. Навкратис. Ер ижараси. Табақаланишни кучайиши. Қурилиш. Қадимги Миср маданияти ва унинг хусусиятлари. Диний эътиқодлар. Номлар худолари. Умумий худолар. Осирис ва Исида. Фиръавнлар шахсини илоҳлаштириш. Эхнатоннинг диний ислоҳоти. Диний маросимлар. “Ўлганларни китоби”. Дафн этиш маросими. Тил

ва унинг ривожланиши. Ёзма манбалар. Қадимги Миср насихат адабиёти. Афсоналар. Эртақлар. Бадиий адабиёт. Фалсафа. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик. Убшти. Улкан ҳайкаллар. Пирамидалар. Ибодатхоналар – Абу Симбел, Карнак, Луксор, Дейр эл Бахри. Ер ости қабрлар. Саройлар. Фан. Астрономия. Математика. Тиббиёт. Солномалар. Энциклопедик луғатлар. Қадимги Миср цивилизацияси ютуқлари ва уни жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси. Янги педагогик технология бўйича дарс ўтилиши “Кластер”

Қадимги икки дарё оралиғи, Манбалар ва манбашунослик. Археология изланишлари. Хўжалик ёзма манбалари. Ҳуқуқ манбалари. Тарихий манбалар. Икки дарё оралиғи тарихини даврлаштириш. Инсон томонидан Икки дарё худудларини ўзлаштириш. Илк цивилизация вужудга келиши. Иқтисодий ривожланиш. Стратификацияланган жамият вужудга келиши. Шаҳар-давлатлар. Давлат тузуми. Эн, Лугаль, Энси, Кишни юксалиши. Эн Менбаргеси. Урукни юксалиши. Месанишада. Лагаш. Эанатум. Энентарзи. Урунимгина ислоҳотлари. Умма. Лугальзагеси.

Табақалар. Хўжалик. Суғорилиш. Дехқончилик. Ҳунармандчилик. Мис ва жез буюмлар. Тўқимачилик. Савдо. Маданият. Ёзув. Аккад даври. Саргон (Шаррумкен). Икки дарё оралиғида бирлашган Аккад давлатининг ташкил топиши. Шарру. Римуш. Маништушу. Нарам Суэн. Аккад давлати заифлашуви. Кутийлар босқини. Лагаш. Гудеа. Утухенгаль. Урнинг III сулоласи. Ур-Намму. Шулга Давлат тизими. Ижтимоий муносабатлар. Ташқи сиёсат. Амореялар. Эламликлар босқини. Ур кулаши. Иссиннинг I сулоласи.

Қадимги Бобил шоҳлиги. Сиёсий парчаланиш. Ҳамураппи ва унинг фаолияти. Самсуилуна. Бобил давлати заифлашуви. Хеттлар ҳужуми. Касситлар босқини. Бобил давлати кулаши.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Авилум. Мушкенум. Вардум. Шаррум ва унинг ҳуқуқлари. Маъмурият. Адлия. Солиқлар, ҳарбий кучлар. Хўжалик. Суғорилиш. Дехқончилик. Савдо. Ўрта Бобил шоҳлик даври. Касситлар. Гандаш. Катта Куригальзду. Халдейлар ҳужуми. Ўрта Бобил шоҳлиги кулаши. Митанни давлати. Хурритлар. Вашшукани. Шох Зодагонлар “Димту” ва “аллу”. Куллар, ҳарбийлар. Митанни парчаланиши.

Қадимги Ассирия. Шаҳар-давлатлар, халқаро савдо. Каниш. Алум. Ашшур. Шаҳар уи. Лимму. Ишшиаккум. Илушума. Шамши-Адад I Хальцу Шарру. Арамейлар ҳужуми. Ассирия заифлашуви. Янги Оссирия шоҳлиги даври. Иқтисодий юксалиш. Кальху. Сиёсий инқироз. Тиглатпаласар III ислоҳотлари. Маъмурият ҳарбий кучлар. Босқинчилик сиёсат. Саргон II. Синаххериб. Асархаддон. Ашшурбанапал. Шамаш-шум-Укин қўзғолони. Қўшни давлатларни Оссирияга қарши иттифоқи. Ниневия. Харран. Каркемиш. Оссирия давлатини кулаши.

Янги Бобил шоҳлиги. Орамей ва халдей қабилалари. Мардук-ипли-иддин. Шамаш-шум-укин. Набопаласар. Халдей сулоласи. Оссирия қарши кураш. Навухудонсор II. Бобил Эрон давлатини таркибига кириши. Ижтимоий тузум.

Шоҳ. Зодагонлар. Коҳинлар. Озод шахслар. Қуллар. Хўжалик. Дехқончилик. Хунармандчилик. Савдо. Молия муносабатлари.

Икки дарё оралиғи маданияти. Шумер ва Аккад даврлари. Диний эътиқодлар. Ёзув Э-дуба. Адабиёт. Афсоналар. Гильгамеш ҳақида афсона. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик. Фан. Математика. Тиббиёт. Меъморчилик. Зиккуратлар. Янги педагогик бўйича дарс ўтилиши. “ФСМУ”

Кичик Осиё қадимги даврда, Табиий шароит, аҳолиси ва тиллари. Манбалар ва тарихшунослик. Чатал Гуёк маданияти. Хаджилар. Энеолит даври маданияти. Жез даври. Дорак. Олоча-Гуёк. Шаҳар-давлатлар. Оссурия – колониялари. Каниш. Қадимги Хетт давлати вужудга келиши. Куссара. Питхана. Неса. Анита. Хаттуса. Лабарна. Хаттусили I. Панкус. Тулия. Мурсили I. Телепин. Мамлакатни бирлаштириш жараёни давом этилиши. Давлат заифлашуви. Ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари. Янги Хетт давлати. Суппилулиума. Олд Осиёда ҳукмронлик. Миттани давлатини эгаллаш. Мурсили II. Хетт-Миср қарама-қаршилиги. Кадеш. Хаттусили III. Денгиз халқларини ҳужуми. Хетт давлатини мағлубияти ва парчаланиши. Майда Хетт давлатлари. Табал ва Хатти. Ижтимоий муносабатлар. Табарна ва Табарнана. Зодагонлар. Панкус. Коҳинлар. Озод жамоатчилар. Қуллар. Хўжалик. Чорвачилик. Дехқончилик. Кончилик. Хунармандчилик. Савдо. Хетт маданияти. Диний эътиқодлар. Ёзув ҳайкалтарошлик. Меъморчилик. Фригия. Дехқончилик. Чорвачилик. Гордион. Гордий. Мидас. Киммерияликларни ҳужуми. Фригия маданияти “худоларни буюк онаси” ва Аттис. Мидас қабри. Фригия ёзуви. Лидия. Сарда. Тангаларни зарб этилиши. Гераклидлар сулоласи. Мермнандлар сулоласи. Гигес. Давлат кенгайиши. Киммерияликлар ҳужуми. Оссурия билан кураш. Ардис. Мидия билан уруш. Крезх. Лидия. Эрон давлати таркибига кириши.

Қадимги Кавказ орти. Манбалар. Неолит маданиятлари. Куро-аракс ва кобан маданиятлари. Урарту мамлақати. Бирлашган Урарту давлати пайдо бўлиши. Муцацир. Араму. Сардури I. Тушпа. Диний ислоҳат. Менуа. Ислоҳатлар, қурилиш. Аргишти I. Оссурия билан кураш. Еребуни. Аргиштихинили. Тейшабаини. Руса I. Урарту мағлубияти. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Давлат маъмурияти. Озод жамоатчилар. Қуллар.

Арме-Шуприя қадимги арман шоҳлиги. Ервандидлар. Ерванд III Колхида. Эрон ва Юнонистон маданий ва иқтисодий таъсири. Фасис. Вани. Иберия. Алвония.

Қадимги Ҳиндистон, Худудлар табиий шароит ва иқлим. Манбалар ва манбашунослик халқлар ва тиллар. Ҳиндистон худудидаги илк дехқончилик маданиятлари. Меҳргарх. Ҳинд дарё воҳасини қадимги дехқончилик маданияти (Мохенже-Даро ва Хараппа). Ижтимоий тузум ва иқтисодий муносабатлар. Жхукара маданияти. Орий қабилаларини Ҳиндистонга бостириб келиши. Орий муаммоси. Жамиятда янги ижтимоий ва иқтисодий тузум вужудга келиши. Варварлар. Брахманизм.

Илк давлат бирлашмалари вужудга келиши. Магадха. Аҳмонийлар давлатини Ҳиндистон худудларига интилиши. Магадха кучайиши. Паталипутра.

Нандалар давлати. Давлат тузуми. Иқтисодий муносабатлар. Искандар Зулқарнайнинг Ҳиндистонга бостириб кириши. Пор. Нандалар сулоласи кулаши. Маурьялар давлати вужудга келиши. Чандрагупта. Чанакья. Мамлакатни бирлаштириш. Диний сиёсат. Биндусара. Ашока. Ташқи сиёсат. Хўжалик. Дехқончилик. Чорвачилик. Ҳунармандчилик. Савдо. Маурьялар давлатини инқирози ва парчаланиши. Ҳинду-юнон давлатлари. Юнон-Бақтрия давлати. Ҳиндистоннинг эллинистик маданияти. Ҳиндистон кушанлар давлати таркибида. Канишка. Гуптлар давлати шаклланиши. Эфталитлар ҳужуми. Гуптлар давлати кулаши. Жанубий Ҳиндистон давлатлари. Ривожланган ва кеч қадимги даврларда Ҳиндистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Давлат тузуми. Жамиятда стратификация жараёни ривожланиши. Варналар ва табақалар. Хўжалик. Ҳиндистоннинг қўшни мамлакатлар билан алоқалар. Ҳиндистон ва Буюк Ипак йўли. Қадимги Ҳиндистон ва Марказий Осиё. Янги педагогик технологиялар бўйича дарс ўтиш усули “Кластер”

Қадимги Ҳиндистон маданияти. Диний эътиқодлар. Ритведа ва санхитлар. Кўп худолик. Индра, Варуна, Агни, Сурья, Сомма, Яма. Жаҳон яратилиши тўғрисидаги афсона. Брахма, Вишну, Шива, Кришна, Вишнаизм ва Шиваизм. Пуранлар, Кришна ва Кали. Бхагавадгита Будизмнинг вужудга келиши. Нирвана. Сангха. Махаяна ва Хинаяна. Будхисатва. Санскрит. Ҳиндистон фалсафаси. Локаята. Вашешика. Сахян Шанкара. Адабиёт “Махабхарата”, “Рамаяна”, Калидаса, Тяпф, “Панчатантра” Аливакхуша, Бхамани. “Курал”. Меъморчилик Карьи, Элмор, Санчи. Хайкалтарошлик Гандхара, Мадхур, Амаравадта. Аджанта девор расмлар. Математика. Арьябхата. Астрономия. Табобат. Маданий алоқалар. “Яван Жатака”.

Қадимги Хитой, Ҳудудлар табиий шароит, иқлим. Манбалар ва манбашунослик. Тарихий даврлантириш. Илк дехқончилик маданиятлари. Янишао. Лунышао. Шань қабиласи. Шань-Инь давлати. Анъян. Шань-Инь даврида иқтисод, жамият ва давлат. Анъян ёзув манбалари. Чжоу қабиласи. У-ван юришлари ва Шань-Инь давлати кулаши. Фарбий Чжоу давлати. Сиёсий вазият. Ижтимоий тузум. Иқтисодий муносабатлар. Шарқий Чжоуни вужудга келиши. Ишлаб чиқариш кучларни ривожланиши. Пуллар. Савдогарлар, Шарқий Чжоу парчаланиши. Қадимги Хитой шоҳлари орасидаги кураш. Ле-Го ва Жан-Го даврлари. Жамият тузуми. Ижтимоий муносабатлар. Дехқончилик. Ҳунармандчилик. Савдо. Солиқлар. Цинь давлати кучайиши. Шан Ян ислоҳотлари. Кўчманчилар билан кураш. Инь Чжэн. Цинь Шихуанди. Хитой бирлашган давлати вужудга келиши. Ислоҳотлар. Ер эгаллиги. Ҳарбий кучлар. Давлат маъмурияти. Солиқлар. Қонунлар. Суғарилиш. Йўллар. Давлат стандартлар. Молия. Ёзув. Қўзғолонлар. Цинь сулоласи тахтдан ҳайдалиши. Тахт учун кураш. Лю Бан.

Хань давлати вужудга келиши. Сиёсий тузум. Хўжалик тиклаш. Суғорилиш. Қонунлар. Солиқлар. Зодогонлар. Ван ва хоу. Қўзғолонлар. Давлат зодогонлари. Давлат монополиялари. У-Ди янги қонунлар. Хань давлати юксалиши. Ўлкалар ва вилоятлар. Назорат. Ҳарбий кучлар. Иқтисод. Давлат

дини. Ташқи сиёсат. Хитойликларни Фарғона давлатини эгаллаш учун юришлари. Кўчманчиларга қарши кураш. Хунну. Модэ. Савдо. Қадимги Хитой ва Марказий Осиё савдо муносабатлари. Буюк Ипак йўлига асос солиниши. Хань жамиятининг инқирози. Халқ кўзғолонлари. Ван Ман ислохотлари. “Қизил қошликлар” кўзғолони. Сўнгги Хань сўнгги сулоласи даври. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. Кўчманчи қабилалар билан кураш. Дехқончилик. Хунармандчилик. Савдо. Марказий Осиё билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар. Буюк Ипак йўли ривожланиши. Сўнгги Хань давлатини заифлашуви. Ижтимоий-иқтисодий инқироз. Кўчманчиларни ҳужуми. “Сариқ пешанабандлар” кўзғолони. Сўнгги Хань давлати парчаланиши. Ўзаро урушлар. Уч шоҳлик даври.

Хитой маданияти. Диний эътиводлар. Осмонга сиғиниш. Дао таълимоти. Кун Цзи таълимоти. Мэн Цзи. Будда таълимоти. Хитойда тарқалиши. Давлат динлари. Ёзув ва ёзма манбалари. Адабиёт. Фан. Тарих. Математика. Тиббиёт. Санъат. Қадимги Хитой цивилизацияси. Жаҳон халқлари цивилизациясига кўшган ҳиссаси ва унинг аҳамияти.

Қадимги Юнонистон тарихи, Антик давр тарихий тушунчаси. Антик давр ва қадимги Шарқ давлатларининг тарихи. Антик қуллик. қадимги Юнонистоннинг жаҳон тарихидаги ўрни. Қадимги Юнонистоннинг тарихий давлари. Юнонистоннинг географик ўрни, табиий шароитлари. Табиий шароитларни Юнонистоннинг ҳўжалигига ва тарихий ривожланишига таъсири. қадимги Юнонистон тарихидан асосий манбалар ва Юнонистон тарихнависилиги.

Қадимги Рим, Жаҳон тарихида Римнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Рим жамияти - қулдорлик тизимининг юқори босқичи. Хронология. қадимги Рим тарихининг давланиши. Италиянинг географик ўрни ва табиий шароитлари. Аҳолиси. Этник хилма-хиллиги. Асосий қабилалар: лигурлар ва бошқа маҳаллий қабилалар, италиклар, иллириялик этник гуруҳлар, этрусклар, юнонлар. Қадимги Рим тарихини ўрганиш.

Милоддан аввалги VIII-III асрларда Рим тарихи Милоддан аввалги VIII-VII асрларда Италияда илк қулдорлик жамияти. Милоддан аввалги VIII асрда Этрурия. Этрусклар ва Рим. Италия жанубида ва Сицилия оролида юнон полислари. Рим. Рим тарихидан манбалар. Римнинг географик ўрни ва табиий шароити. Рим фуқаролик жамияти. Патрицийлар ва плебейлар, клиентлар ва патронлар. Патриархал қулчилик ва унинг манбалари. Давлат тузилиши. Подшо ҳокимияти. Сервий Туллий ислохоти. Подшо ҳокимиятининг емирилиши ва Рим Республикасининг ўрнатилиши.

Илк ўрта асрлар Ғарбий Европада феодал тузумнинг вужудга келиши Қулдорлик тузумининг инқирози ва Рим империясида феодал муносабатларнинг вужудга келиши. Эмфитевсис. Патронат ва коммендация. III-V асрларда иқтисодий инқироз. Рим империясининг ижтимоий ва давлат тузуми. Ғоявий инқироз. Империянинг христианлашиши. Халқ оммасининг ижтимоий норозилиги ва унинг турлари. Герман қабилаларида ибтидоий жамоа тузумининг инқирози. Ижтимоий-иқтисодий тузилиши. Ижтимоий-сиёсий ташкилот. IV-V асрларда сиёсий тузумнинг ўзгариши. Рим империясининг кулаши ва варвар

давлатларининг ташкил топиши. Халқларнинг буюк кўчишининг сабаблари. Вестготлар. Вандаллар. Хуннлар.

Ривожланган ўрта асрлар, Ривожланган ўрта аср хронологик чегараси хусусиятлари. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўксиши. Хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши. Феодал шаҳарларини ривожланиши. Феодализм даврида оддий товар хўжалиги. Ўрта аср шаҳарлари ва аҳолиси. Шаҳарларда хунармандчилик. Цех. Хунармандлар жамоасининг патрициат билан кураши. Савдонинг ривожланиши. Феодал жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар.

Салб юришлари (XI аср охиридан то XIII аср охиригача) сабаблари ва уларнинг қатнашчилари, характери. Биринчи салб юриши. Шарқда салбчилар давлати. Иккинчи, учинчи салб юришлари. 1202-1204 йиллардаги салб юришлар. Византиянинг истило этилиши. Сўнгги салб юришлар. Салб юришларнинг оқибатлари. Рим папалиги. Салб юришларининг Ғарбий Европага кўрсатган таъсири.

XI-XV асрларда Франция. XI-XV асрларда Англия. XII-XV асрларда Германия. XI-XV асрларда Италия. XI-XV асрларда Пиреней ярим ороли давлатлари. XI-XV аср биринчи ярмида Византия. XI-XV асрларда Ғарбий Европанинг халқаро алоқалари. Ўрта асрларда христиан дини, черков ва унга қарши ҳаракат. XI-XV асрларда Ғарбий Европанинг ўрта аср маданияти. XII-XV асрларда Рус давлати. Араб-мусулмон давлатлари

Буюк кашфиётлар ва мустамлакалар тузумининг пайдо бўлиши Географик кашфиётларнинг сабаблари. Португалияликларнинг Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очишлари. Христофор Колумб саёхати. Магелланнинг дунё саёхати. Америкада испанлар мустамлакаси. Мексика ва Перунинг босиб олиниши. Мустамлакалар ва католик черкови. Тинч океанида жуғрофик кашфиётлар. Буюк жуғрофик кашфиётлар оқибати.

XVII асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошини ўз ичига олган даврнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. “Янги тарих” тушунчаси. Янги даврнинг тарихий мазмуни. Янги тарихни даврлаштириш масаласи. Янги тарихни ўрганиш долзарблиги. Янги даврда рўй берган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнларнинг тавсифий хусусиятлари.

Буюк Британия XVII-XX аср бошида, XVII асрнинг биринчи ярмида Англиянинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиши. Яков I ва Карл I Стюартларнинг ички ва ташқи сиёсати. Парламентда муҳолифатнинг кучайиши. Пуританлик. Инқилобнинг замини ва шарт-шароитлари. Инқилобнинг бошланиши. Фуқаролар уруши. Левеллерлар ва республиканинг ўрнатилиши. Республика ва протекторат. Оливер Кромвель.

Франция XVII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида, XVII асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш. Мазарини ва Фронда. Людовик XIV абсолютизми. Француз маърифатчилиги. Инқилоб болди инқирози. XVIII аср Франция инқилоби. Консуллик ва биринчи империя. Наполеон Бонапартнинг ички ва ташқи сиёсати.

Германия XVII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида, Герман давлатлари Ўттиз йилик урушдан сўнг. Иқтисодий вазият. Дехқонлар ҳаракати. Герман шаҳарлари. Бранденбург-Пруссия давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши. Пруссия қироллиги. Фридрих II-нинг ички ва ташқи сиёсати. Франция-Пруссия уруши ва Германиянинг бирлашиши.

Австрия (Габсбурглар) империяси XVII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида, Австрия Ўттиз йиллик урушдан сўнг. XVII асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш. Венгрия Габсбурглар империяси таркибида. Туркияга қарши уруш. Карловиц тинчлик шартномаси. Габсбурглар империяси “Испан мероси” учун уруш йилларида. XVIII аср бошида империянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. “Австрия мероси” учун уруш.

Италия XVII асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошида Италия давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши. Тарқоқликнинг сақланиб қолиниши. Чет эл давлатларига қарамлик. “Испан мероси”, “поляк мероси”, “австрия мероси” учун урушлар ва итальян давлатлари.

Россия XVII асрнинг охири – XX асрнинг бошида, Россия XVII асрнинг охирида. Петр I ва малика Софья ўртасидаги кураш. XVIII асрнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш. Петр I ислохотлари. Ташқи сиёсат. Шимолий уруш. Россия сарой тўнтаришлари даврида (1725-1762 йй.). “Петр мероси” масаласи. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

Испания XVII асрнинг иккинчи ярми XX аср бошида XVII асрнинг иккинчи ярмида Испаниянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. “Испан мероси” учун уруши (1701-1714). 1808 йил 2 май кўзғолони. 1802 йил Кадис конситутцияси. Фердинанд VII ички ва ташқи сиёсати. Иккинчи инқилоб (1854-1856). Бешинчи инқилоб (1868-1873).

АҚШ XVII-XX аср бошида Шимолий Америкада мустамлакаларнинг барпо этилиши. Инглиз мустамлакалардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Мустақиллик учун урушнинг замини ва шарт-шароитлари. Мустамлакалар ва метрополия ўртасидаги зиддиятлар. Мустақиллик учун уруш ва АҚШнинг ташкил топиши. АҚШ-нинг давлат тузуми ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

Португалия XVII асрнинг иккинчи ярми -XX аср бошида “Португалия монефести” ва мустақилликнинг тикланиши. Абсолютик монархия шароитида Португалиянинг ички ва ташқи сиёсати. Маркиз Помбаланинг фаолияти. Ислохотлар. Португалия Француз инқилоби ва Наполеон урушлари йилларида. 1822 йил Корститутцияси. 1826 йил Хартияси. Фукарлар уруши 1824-1834 йй. “Хартиячилар” ва “Сентябрчилар” ўртасидаги қарама-қаршилик.

Нидерландлар Бирлашган Провинциялари Республикаси XVIII-XX аср бошида, Инглиз-голланд урушлари. Жаҳон савдосида устиворликнинг йўқотилиши. Иқтисодий ривожланишдаги пасайиши. Недерландларнинг сиёсий тузуми. XVIII асрнинг иккинчи ярмида республикада ички сиёсий вазият. Недерландлар Француз инқилоби ва Наполеон урушлари йилларида. Батав



